

2003 йил 1-2 сон

Шахснинг ҳаракатлари безорилик жинояти сифатида нотўғри квалификация қилинганлиги сабабли суд қарорлари ўзгартирилди.

Жиноят ишлари бўйича Мингбулоқ туман суди томонидан Р. ва З ЖК 277-моддаси 3-қисмининг «в» банди билан судланганлар.

Ҳукмга кўра, улар спиртли ичимлик истеъмол қилишиб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимасдан, тўй маросимида А. ни бир гуруҳ бўлиб ҳақорат қилиб, унга тан жароҳати етказишда айбли деб топилганлар.

Иш апелляция инстанцияси судида кўрилиб, ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суд айбдорларнинг ҳаракатини ЖК 277-моддаси 3-қисмининг «в» банди билан квалификация қилишда жиноятнинг тўй маросими пайтида содир этилганлигини асос қилиб олган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги «Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарорининг 9-бандига кўра, оммавий тадбир деганда, белгиланган тартибда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек, ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан ташкил этилган расмий тадбирлар (байрам, сайллар, намоийишлар, митинглар, мажлислар, сайловлар, халқ ҳашарлари ва ҳ.к.лар) тушунилади.

Бироқ, биринчи ва иккинчи инстанция судлари тўй маросимини ҳам оммавий тадбир деб ҳисоблаб, қонунни шарҳлашда хатога йўл қўйишган.

Наманган вилоят суди раёсати 2003 йил 29 январь куни Р. ва З. ҳаракатларини ЖК 277-моддаси 3-қисмининг «в» бандидан шу модда 2-қисмининг «б» бандига қайта квалификация қилиб. Тўғри хулосага келган.

60-1 н/ж-сонли қарор

